

Гигиена воситалари билан таъминланиши лозим бўлган ходимларнинг 373 минг 81 нафаридан 63 % таъминланган. Бу мақсадларга 32 млрд. 43 млн. сўм сарфланган ва ҳар бир ходимга 86 минг сўмдан тўғри келган.

№	Худудлар	Гигиена воситалари билан таъминланиши лозим бўлган ходимлар сони	Гигиена воситалар билан таъминланган ходимлар сони	%	Ўртача ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори сўм
	<b>Жами</b>	<b>593 774</b>	<b>373 081</b>	<b>63%</b>	<b>85 888</b>
1	Қорақалп. Респ.	30 215	19 469	64%	75 780
2	Андижон	48 775	28 791	59%	51 940
3	Бухоро	38 709	20 498	53%	81 130
4	Жиззах	22 423	16 806	75%	110 241
5	Навоий	23 143	12 991	56%	184 955
6	Наманган	47 736	32 258	68%	95 338
7	Самарқанд	52 535	31 133	59%	53 796
8	Сирдарё	18 876	13 189	70%	153 999
9	Сурхондарё	36 924	31 435	85%	44 180
10	Қашқадарё	53 919	23 796	44%	70 075
11	Тошкент	54 203	29 153	54%	32 747
12	Фарғона	65 108	41 398	64%	71 625
13	Хоразм	26 036	18 672	72%	98 067
14	Тошкент ш	75 172	53 492	71%	141 428

Сут маҳсулотлари билан 12 минг 016 нафар ходим таъминланиши лозим бўлган ҳолда ҳақиқатда 9 минг 994 нафар ходим (83,2 %) таъминланган, бунинг учун иш берувчилар томонидан 4 млрд. 432 млн. сўм сарфланган, ҳар бир ходимга 444

Худуд номи	Сут маҳсулотлари билан таъминланиши лозим бўлган ходимлар сони	Сут маҳсулотлари билан таъминланган ходимлар сони	Таъминланганлар %	Ўртача ҳар бир ходимга сарфланган маблағ
<b>ЖАМИ</b>	12 016	9 994	83,2	миқдори 444 025 сўм
<b>ҚҚР</b>	387	104	26,9	341 785
<b>Андижон</b>	376	378	100,5	450 926
<b>Бухоро</b>	1413	1139	80,6	203 319
<b>Жиззах</b>	382	96	25,1	144 921
<b>Қашқадарё</b>	1408	1498	100	41 100
<b>Навоий</b>	672	997	148,4	423 271
<b>Наманган</b>	299	213	71,2	91 100
<b>Самарқанд</b>	144	50	100	445 714
<b>Сирдарё</b>	1 476	1546	104,7	22 252
<b>Сурхондарё</b>	417	153	36,7	153 477
<b>Тошкент</b>	492	421	85,6	105 435
<b>Фарғона</b>	1 991	1912	96,0	874 019
<b>Хоразм</b>	1 353	1353	100	634 612
<b>Тошкент ш</b>	1 206	130	10,8	357 741



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низом”да белгиланган тартибда ходимлар дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан бепул ўтиб келмоқдалар. Айрим ҳолатларда ходимларни чиқимдор бўлиш ҳолатлари учраб турибди.

Ҳисобот даврида муассасаларда жамоатчилик назорати тартибида ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган хатиро ва камчиликлар бартараф этилишига эришилди. Жумладан, ҳисобот даврида мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилиши давомида чиқимдор бўлишига йўл қўйилган 96 минг 26 нафар (16 %) ходимлар фойдасига 5 млрд. 207 млн. сўм маблағлар ундириб берилишига эришилди.

Ҳисобот даврида зарарли касбларда фаолият юритаётган 32 минг 311 нафар ходимга қўшимча таътил учун 10 млрд. 362 млн. сўм, бахтсиз ходиса оқибатида жабирланган 344 нафар ходимга зарар тўловлари учун 6 млрд. 200 млн. сўм маблағ ундириб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низоми асосида 98,3 фоиз муассасаларда иш жойлари аттестациядан ўтказилиши таъминланди.

Мисол учун: Андижон вилоятида 3 та муассасада 153 та иш ўрни, Бухоро вилоятида 1 та муассасада 140 та иш ўрни, Наманган вилоятида 6 та ташкилотда 266 та иш ўрни, Сирдарё вилояти 3 та муассасада жами 213 та иш ўрни, Тошкент вилоятида 4 та муассасада 188 та иш ўрни, Фарғона вилоятида 47 та ташкилотда 1 минг 258 та иш ўрни шулар жумласидандир.

Меҳнат муҳофазасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажарилиши, ижтимоий ҳамкорликни қонуний асосларини ва жамоатчилик назорат услубиятини аниқ механизмларини ишлаб чиқиб, тадбиқ этилиши натижасида бахтсиз ходисаларни олдини олишга қаратилган, ходимларни ҳар бир жароҳатланиш ҳолати муассасаларда ташкил қилинган уч томонлама комиссиялар ўрганиб тегишли хулоса ва тавсиялар берилиб келинмоқда.

Ҳар йил якуни бўйича Республика Кенгаши томонидан умумлаштирилган маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хайат йиғилишига киритилиб муҳокама қилиниши натижасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларда ижросини таъминланишини назорат қилиниши туфайли ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида **69** та бахтсиз ҳодиса содир бўлиши туфайли **15** нафар ходимнинг бевақт вафот этишига ва **91** нафар ходим оғир тан жароҳати олишига сабаб бўлди.

Бахтсиз ҳодисаларнинг **68 %** йўл транспорт ҳодисасида, тез тиббий ёрдам чақирув автомашиналари ҳалокати, **32 %** ходимларининг иш жойларда эҳтиётсизлиги оқибатида рўй берган.

## Бахтсиз ҳодисалар



## БАХТСИЗ ХОДИСАЛАР ТАҲЛИЛИ



Тармоқда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, шунингдек меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ва касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш” Республика кўрик-танлови мунтазам равишда ўтказиб келинди.

Мазкур кўрик-танловларда 600 дан ортиқ тармоқ муассасалари иштирок этдилар. Ҳар йили 4 та номинация бўйича ғолиблари аниқланиб Республика Кенгаши томонидан рағбатлантирилиб келинди.

#### **2021 йил якуни бўйича:**

##### **“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши корхона” номинациясида:**

1-ўрин - Қашқадарё вилоят 1-сонли асаб-руҳий касалликлар диспансери;

2-ўрин - Жиззах вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази;

3-ўрин - Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази.

##### **“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши касаба уюшма кўмитаси” номинациясида:**

1-ўрин - Наманган вилояти Норин туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси;

2-ўрин - Республика шошилиноч тиббий ёрдам илмий маркази касаба уюшма кўмитаси;

3-ўрин - Фарғона вилоят қон қуйиш станцияси касаба уюшма кўмитаси.

##### **“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши вакили” номинациясида:**

1-ўрин - Фарғона вилояти силга қарши кураш диспансери меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Ш.В.Халилов;

2-ўрин - Наманган вилояти Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Р.Қ.Ражабова;

3-ўрин - Сурхондарё вилояти Шеробод туман тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили О.Эгамбердиев.

##### **“Энг ёш меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис” номинациясида:**

1-ўрин - Сирдарё вилояти Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси И.М.Баширхонов;

2-ўрин - Наманган вилояти Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси С.М.Собиров;

3-ўрин - Жиззах вилоят тери-таносил диспансери меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси С.Қ.Қодирова.

**2022 йил якуни бўйича:**

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши корхона” номинациясида:**

1-ўрин - Қашқадарё вилояти Китоб туман тиббиёт бирлашмаси;

2-ўрин - Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Бухоро филиали;

3-ўрин - Тошкент вилояти Чирчиқ руҳий-асаб касалликлар диспансери.

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши касаба уюшма кўмитаси” номинациясида:**

1-ўрин - Фарғона вилояти Бешариқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитаси;

2-ўрин - Андижон вилояти Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитаси;

3-ўрин - Тошкент шаҳридаги И.Иргашев номи 4-сон шаҳар клиник шифохонаси.

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши вакили” номинациясида:**

1-ўрин - Наманган вилояти Поп тумани тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили О.Қ.Куйчибеков;

2-ўрин - Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили У.О.Тошева;

3-ўрин - Хоразм вилояти ОИТСга қарши кураш маркази меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили А.А.Тен.

**“Энг ёш меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис” номинациясида:**

1-ўрин - Сирдарё вилояти Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси И.М.Баширхонов;

2-ўрин - Сурхондарё вилоят санитария эпидемиология осоишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси И.Одинаева;

3-ўрин - Самарқанд вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Самарқанд вилоят болалар уйининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси З.С.Нормуродова.

**2023 йил якуни бўйича:**

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши корхона” номинациясида:**

1-ўрин - Жиззах вилояти Юқумли касалликлар шифохонаси;

2-ўрин - Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази;

3-ўрин - Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши касаба уюшма кўмитаси” номинациясида:**

1-ўрин - Наманган вилояти Наманган туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитаси;

2-ўрин - Хоразм вилояти Урганч туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитаси;

3-ўрин - Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитаси.

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши вакил” номинациясида:**

1-ўрин - Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилоят филиалининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили М.М.Раимов;

2-ўрин - Абу Али ибн Сино номли Жиззах жамоат саломатлиги техникуми меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Ш.Ф.Орипов;

3-ўрин - Сурхондарё вилояти Бойсун туман тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили К.Ж.Холбоев.

**“Энг ёш меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис” номинациясида:**

1-ўрин - Хоразм вилояти Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси Р.О.Соатова;

2-ўрин - Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилояти филиалининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси Х.Ф.Қосимов;

3-ўрин - Фарғона вилояти Олтиариқ туман тиббиёт бирлашмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси М.Қ.Рахимова.

**2024 йил якуни бўйича:**

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши корхона” номинациясида:**

1-ўрин - Тошкент вилояти Фтизатрия ва пульмонология шифохонаси;

2-ўрин - Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Фарғона филиали;

3-ўрин - Жиззах вилояти Бахмал туман тиббиёт бирлашмаси.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши касаба уюшма кўмитаси” номинациясида:**

1-ўрин - Наманган вилояти Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси ;

2-ўрин - Андижон вилояти Олтинқўл туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси;

3-ўрин - Хоразм вилояти Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси.

**“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши вакил” номинациясида:**

1-ўрин - Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Л.К.Зоирова;

2-ўрин - Тошкент вилоят рухий-асаб касалликлари диспансерининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили З.А.Хасанова;

3-ўрин - Фарғона вилояти Ёзёвон туман тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Ш.Л.Турдиев.

**“Энг ёш меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис” номинациясида:**

1-ўрин - Республика ихтисослаштирилган Рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази психатрия хизмати Жиззах вилоят филиали меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси А.Ф.Абдужабборов;

2-ўрин - Фарғона Жамоат саломатлиги тиббиёт институти меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси Н.Я.Усуповалар ғолибликни қўлга киритиб келдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этилган номинациялар бўйича ҳам тиббиёт муассасалари Республика кўрик-танловининг ғолиблари қаторидан жой олиб диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланиб келмоқдалар.

Натижада, тиббиёт муассасаларида ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билим даражаси ўсишига ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолияти жадаллашига, жамоа шартномаларида белгиланган талабларни ижросига муносабат ижобий томонга ўзгаришига эришилди.

Ўтган даврда раёсат йиғилишларида 18 мартаба меҳнатни муҳофаза қилишга оид масалалар кўриб чиқилди. Хусусан:

- “Соғлиқни сақлаш муассасаларида иш берувчилар томонидан ходимларни “Махсус-кийим, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари” билан таъминланиш ҳолати, бахтсиз ҳодисалар таҳлили”;

- “Ташкилотларда иш берувчилар томонидан ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши таҳлили”;

- “Фарғона ва Самарқанд вилоятлари соғлиқни сақлаш касаба уюшмаси тизимидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлиги бўйича олиб борилган ишлари ҳақида”;

- “Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисалар таҳлили ҳамда уни олдини олишга қаратилган шарт-шароитларни иш берувчилар томонидан яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида” ги масалалар шулар жумласидандир.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид масалаларни ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида муассасаларнинг касаба уюшма кўмиталари фаолларига ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларига тушунтириш ишларини олиб борилди.

Шу билан бирга меҳнатни муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисаларни камайитириш, превентив чораларини кўриш бўйича олдимизда турган муҳим вазифалар мавжуд.

Жумладан:

- жамоатчилик назоратини бошқариш, унинг ҳуқуқий, ташкилий, меъёрий масалаларига эътиборни кучайтириш, самарасини ошириш, ҳар қандай хавфли (шикастловчи ва зарарли) омиллар ҳақидаги далиллар бўйича жабрланувчи суғурталаш органларига белгиланган тартибда мустақил ҳолатда хабар бериш амалиётини жорий этиш;

- бахтсиз ҳодисаларни текшириш бўйича комиссия таркибига жабрланувчи ёки унинг вакилини киритиш, ҳисобга олишни ички ишлар органлари хизмати томонидан амалга ошириш;

- касб касалликлари ҳақидаги маълумотларни тиббиёт муассасалари томонидан алоҳида қайд этиш ва касаллик варақасида кўрсатиш;

## АЪЗОЛАР САЛОМАТЛИГИ – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Хисобот даврида ижтимоий суғурта ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан жами **49 минг 434** нафар аъзолар ва яқин қариндошлари соғломлаштирилди. Жумладан, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан хисобот йилларида бошланғич ташкилотларимиз томонидан аъзоларга қиймати **98 млрд. 608 млн. сўмлик, 29 минг 584** дона йўлланмалар берилди. Бу йўлланмаларнинг **7 млрд. 778 млн. сўмлик 2 минг 309** донаси бепул ажратилди. Касаба уюшмаси бюджети маблағлари ҳисобидан 2020-2024 йиллар давомида **19 минг 126** дона, қиймати **58 млрд. 112 млн. сўмлик** йўлланмалар тарқатилди. Шундан 45% лик имтиёзли тўлов асосида харид қилинганлари **18 минг 891** дона, яъни **56 млрд. 621 млн. сўмлик, 100** фоизлик тўлов асосида харид қилинганлари **235** дона, яъни қиймати **905 млн. сўм**, дам олиш уйларига олинган йўлланмалар эса **1 минг 846** дона, қиймати **5 млрд. 487 млн. сўм**ни ташкил этди. Давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан **724** нафар ходимлари “Умид Гулшани”, “Кўхинур” санаторийларида бепул соғломлаштирилган.

**Ж**умладан, ишловчи ходимларга санаторий ва дам олиш уйларига йўлланма-лар корхона, ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшма кўмиталари томонидан, ижтимоий солиқ тўловидан йўналтирилган маблағлар ҳамда касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан икки йилда бир марта белгиланган тартибга асосан ўрнатилган навбат бўйича бериб келинди. Бундан ташқари, касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар бериш орқали ишчи-ходимларнинг оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) ҳам соғломлаштирилди.

Касаба уюшмаси томонидан ўтган 5 йил давомида аъзолар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни ташкил қилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24 сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисидаги Йўриқнома ҳамда “Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш Тартиби”га асосан

2020-2024 йилларда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштирилиши тўғрисида қуйидаги маълумотларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:


**Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 2020 йилда** касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари томонидан 6 млрд. 438 млн. 797 минг 900 сўмлик 2922 дона йўлланмани ташкил этди. Шундан қиймати 803 млн 873 минг 500 сўмлик 313 дона йўлланмалар бепул олинди.

**2021 йилда** жами қиймати 14 млрд. 327 млн. 255 минг 400 сўмлик, 5786 дона йўлланмалар тарқатилди. Бу йўлланмаларнинг қиймати 1 млрд. 118 млн. 384 минг 800 сўмлик 427 донаси бепул берилди.

**2022 йилда** жами қиймати 18 млрд. 463 млн. 582 минг 500 сўмлик, 6168 дона йўлланмалар берилди. Бу йўлланмаларнинг қиймати 1 млрд. 521 млн. 611 минг 800 сўмлик 473 донаси бепул тарқатилди.

**2023 йилда** касаба уюшмаси аъзоларига жами қиймати 25 млрд. 578 млн. 551 минг сўмлик, 6954 дона йўлланмалар берилди. Бу йўлланмаларнинг қиймати 1 млрд. 621 млн. 376 минг 700 сўмлик 485 донаси бепул ажратилди.

## ИЖТИМОЙ СУҒУРТА МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН САНАТОР-КУРОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ



**2024 йилда** тарқатилган жами йўлланмалар сони 7754 донани ташкил этиб, уларнинг умумий қиймати 33 млрд. 796 млн. 286 минг сўмликни ташкил этди. Бу йўлланмалардан 611 донаси, яъни 2 млрд. 712 млн 712 минг 100 сўм қийматдаги йўлланмалар касаба уюшма аъзоларига бепул тарқатилди.

2020 йилдан 2024 йилгача ижтимоий суғурта маблағларидан олинган йўлланмаларнинг жами сони, шу жумладан бепул йўлланмаларнинг сони ҳам йилдан йилга кўпайиб борган.

**Касаба уюшмаси бюджети маблағларидан 2020 йилда** 2034 дона, қиймати 4 млрд. 160 млн. 919 минг 700 сўмлик йўлланмалар тарқатилган бўлиб, шундан 45% лик имтиёзли тўлов асосида харид қилинганлари 2028 дона, яъни 4 млрд. 148 млн. 168 минг 900 сўмлик ҳамда 100 фоизлик тўлов асосида харид қилинганлари 6 дона, яъни 12 млн. 750 минг 800 сўм, дам олиш уйларига олинган йўлланмалар эса 109 дона, яъни 265 млн. 990 минг 400 сўмни ташкил этган.


### АЪЗОЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ САНАТОР-КУРОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ




■ САНАТОР-КУРОРТ ЙЎЛЛАНМАЛАР  
■ ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига **38 минг 799** дона, шу жумладан кам таъминланган ходимлар фарзандлари учун **3 минг 848** та **45 млрд. 516 млн.** сўмлик бепул йўлланмалар берилган.

### БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИГА БЕРИЛГАН ЙЎЛЛАНМАЛАР



### НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИГА ЖАМИ 224 ТА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛГАН




# МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАФФОЛИГИ – ЖАМИЯТ ИШОНЧИ


**Х**исобот даврида касба уюшмасига аъзолик бадаллари ойлик маоши ва унга тенглаштирилган тушумларнинг 1 фоизи миқдориди амал қилиб келди ва аъзолик бадаллари йиғилиши ва улардан тўғри фойдаланиш, аъзоларни иқтисодий қўллаб қувватлаш касба уюшмасининг асосий мақсадлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси бюджетининг 2020-2024 йилларда умумий даромади 829 млрд. 873 млн. сўми ташкил. Ушбу маблағларнинг 414 млрд. 937 млн. сўми касба уюшмасининг бошланғич ташкилотларида, 331 млрд. 949 млн. сўми Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Ушбу маблағлар ҳудудлар кесимида куйидагичани ташкил қилди.

2020-2024 йилларда касба уюшмаси аъзолик бадаллари тақсимоли



2020-2024 йилларда касба уюшмаси аъзолик бадаллари




2020-2024 йиллар бўйича даромадларнинг харажатлар қисми тармоқ касба уюшма бюджетининг жами 493 млрд. 700 млн. сўмини ташкил этган. Харажатларнинг асосий қисмини маданий-оммавий тадбирлар ташкил этган бўлиб, 205 млрд. 982 млн. сўми, яъни жами харажатга нисбатан 41,7 фоизни ташкил қилган. Маъмурий-хўжалик харажатлари учун жами 108 млрд. 455 млн. сўм сарфланиб, жами харажатга нисбатан 21,2 фоизни ташкил этган.

Моддий ёрдам харажатлари учун тармоқ бўйича 57 млрд. 471 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатларга нисбатан 11,7 фоизни ташкил этган. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари учун жами бўлиб 18 млрд. 315 млн. сўм харажат қилинган, яъни жами харажатга нисбатан 3,7 фоизни ташкил қилган. Фаолларни рағбатлантириш харажатлари жами 16 млрд. 476 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, жами харажатга нисбатан 3,4 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.

Ходимларни соғломлаштириш учун тармоқ бўйича 26 млрд. 502 млн. сўм, жами харажатга нисбатан 17,6 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.

### 2020-2024 йилларда касаба уюшмаси бюджети харажатлари



2020-2024 йиллар бўйича Республика Кенгашининг 2020 йилнинг август ойидан 2025 йилнинг август ойига қадар бўлган ҳисобот даврида жами даромадлари 54 млрд. 359 млн. 639 минг сўмни ташкил қилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 27 млрд. 280 млн. 268 минг сўм, Худудий кенгашлар томонидан 27 млрд. 79 млн. 371 минг сўм Республика Кенгаши ҳисоб рақамларига ўтказилган. Шу даврдаги жами харажатлар – 53 млрд. 671 млн. 32 минг сўмни ташкил қилган.

